Тошкент вилояти
«ТУРОН» кутубхонаси


# ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

15 сон
22—28 апрел 1998 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси




***Мусаввир Темур Саъдулла эллик ёшга тўлди. Албатта, ҳар бир ижодкорнинг меҳнати вақт билан ўлчанмайди. Балки, у қилган ишлар эътиборга олинган ҳолда ижодий баҳоланади. Темур Саъдулла ижоди серқирра. Айниқса, унинг мўйқалам устаси сифатида яратган асарлари юксак санъат намунасидир.***

***Суратда: мўйқалам устаси Темур Саъдулланинг кўҳна Бухоронинг «Афшона» қишлоғидаги «Ибн Сино» чойхонасини безаб турган деворий суратлари нусхасини кўриб турибсиз.***

## ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди. Уни бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова бошқарди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш котибиятларининг йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлари ва вазирлар маҳкамасининг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури тўғрисида»ги қарорнинг жойларда қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Андижон вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаззам Шамсибоева, Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Абдуллаева, Навоий вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Рюрикова, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Нурия Тулеева, Республика ички ишлар вазири ўринбосари Ботир Парпиев, Республика тадбиркор аёллар уюшмаси раиси Диллора Олимбекова, Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази раҳбари Раъно Убайдуллаева йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан сўзга чиқдилар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида Республика хотин-қизлари фаол қатнашаётганликлари йиғилишда алоҳида таъкидланди. Жумладан, оила, оналик ва болаликни, хотин-қизлар меҳнатини ижтимоий муҳофазалаш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида талай тажрибалар тўпланди. Аёллар касб-ҳунар эгаллашлари, оилалар тинч-тотувлиги, фаровонлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигини ошириш учун жойларда амалий ишлар қилинди. Кам таъминланган, кўп болали оилалар инобатга олиниб уларга зарур ёрдам чоралари кўрилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар борасида камчиликлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳудудий мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари билан биргаликдаги фаолиятни кучайтиришлари лозимлиги кўрсатилди. Бугунги кундаги энг долзарб вазифа — кам таъминланган, кўп болали, ночор ва ногиронлар оилаларини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг тўлиқ ижро этилишига эришишдан иборат эканлиги қайд этилди.

## СОҒЛОМ МУҲИТ БАРҚАРОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг IV-пленуми бўлиб ўтди. Унда «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини такомиллаштириш вазифалари тўғрисида» ва Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябрдаги «Ўзбекистон республикаси ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996—2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Сурхондарё ва Фарғона вилоят хотин-қизлар қўмиталарининг олиб бораётган ишлари ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Пленум жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ёшларни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга хотин-қизлар қўмиталари фаол иштирок этаётганлигини қайд этди.

Ёш авлоднинг дунёвий, илмий, ахлоқий салоҳиятини юксалтириш, уларни юрт истиқлолига садоқат, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга муҳим эътибор берилмоқда ва қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз маънавий ва демократик янгиланишида хотин-қизлар қўмиталари иштироки анча фаоллашди, жойларда доимий ишловчи семинарлар, жамоатчилик асосида уюшмаларнинг ишлаб туриши ижобий ҳолдир. «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари билан ҳамкорликда ёшларни замон руҳида тарбиялаш, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимларини ошириш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишлари турли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Аҳолининг кам таъминланган қатламларининг ижтимоий муҳофаза қилиш ишларини хотин-қизлар қўмиталари ўз зиммаларига олдилар ва бу борада кўплаб самарали натижаларга эришдилар.

Шунингдек пленумда хотин-қизлар қўмиталарининг мазкур йўналишдаги фаолиятида камчилик ва нуқсонлар борлиги ҳам қайд этилди. Уларни бартараф этиш юзасидан хотин-қизлар қўмиталарига маслаҳат ва кўрсатмалар берилди.

Пленумда Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова нутқ сўзлади.

*Бугуннинг нафаси*

## «АЁЛ ВА ҲУҚУҚ»

Самарқандда «Аёл ва ҳуқуқ» мавзуида семинар йиғилиши бўлиб ўтди. 1998 йил — Оила йили. Оиланинг ёниқ чироғи, фарзандларнинг севимли онаси — аёлга эътибор, ғамхўрлик мамлакатимизда Президентимиз фармонлари, ҳукуматимизнинг қатор қарорлари асосида мустаҳкамланган, ҳуқуқ ва бурчлари қонун йўли билан белгилаб қўйилган. Чунки ҳуқуқий демократик давлатда аёлнинг ўз ақлу идроки, салоҳияти ва қобилиятини тўла ишга солиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилиши муҳимдир. Лекин табиатан муштипар ва мушфиқ жонҳалак ва фидойи ўзбек аёли — муҳтарам оналаримиз кўпда ўзлари ҳақда ўйламайдилар, ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишга, англашга уринмайдилар. Жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, жамоат ташкилотлари аёлга бу борада ҳар томонлама ёрдам беришлари, қўллаб-қувватлашлари керак. Самарқандда ўтказилган мазкур семинар ана шу жиҳати билан аҳамиятли бўлди.

«Аёл ва ҳуқуқ» семинарида Самарқанд вилояти ҳокими Алишер Мардиев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон республикаси миллий маркази раиси Акмал Саидов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

«Аёл ва ҳуқуқ» семинари ишида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова иштирок этди ва нутқ сўзлади.

***Ўз мухбиримиз***

## ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлигида «Оила» кодекси қонун лойиҳаси муҳокамаси ва ҳуқуқий мавзуга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатида туман халқ таълими ва тиббиёт ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари вакиллари иштирок этдилар.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Журабой Ғайбуллаев «Оила» кодекси қонун лойиҳасининг ёш йигит-қизларнинг турмуш қуришда ҳам маънавий, ҳам жисмоний тайёр бўлган даври тўғрисидаги бандларга алоҳида тўхталиб ўтди. Муҳокама қатнашчилари ушбу бандлар бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришди. Қизларни 18, йигитларни 20 ёшдан кейин оила қуришлари, тиббий кўрикдан ўтиш ихтиёрий эмас, балки мажбурий бўлиши керак, деган таклифларни айтдилар. Шунингдек, давра суҳбати иштирокчилари ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга ҳам жавоб олдилар.

*Фотима ЖУМАЕВА*

## ОИЛА ТАЯНЧИ

Ҳар бир жамиятнинг равнақи аёлга бўлган муносабатга қараб баҳоланади. Қонунчилигимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун қатор имтиёзлар белгиланган. Буларнинг бари жуссасидан кўра елкасидаги юки, масъулияти оғиррок бўлган ўзбек аёлининг саломатлиги, эркин меҳнат қилиши, жамиятдан ўз ўрнини топиши учун яратилган имкониятлардир.

Лекин ҳаётда, кундалик турмушда хотин-қизларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилиши, меҳнат қонунларида белгиланган имтиёзларнинг бузилиши, шунингдек, аёлларга нисбатан иш соатларини нотўғри тақсимланиши, уларни мумкин бўлмаган оғир ишларга жалб этилиши, ҳомиладор аёлларни ишга қабул қилмаслик каби салбий ҳолатлар учраб турибди. Албатта, бунда энг аввало аёлларнинг ўзлари айбдордирлар. Чунки улар ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга ожиз, ўзлари учун яратилган имконият ва имтиёзлардан бехабар. Шунинг учун биз аёлларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Барча саъй-ҳаракатларимиз ана шу мақсадга йўналтирилган. Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан тадбирлар ўтказилаяпти. «Олима», «Ҳуқуқшунос аёл», «Экология ва аёл» каби турли соҳаларни қамраб оладиган уюшмалар тузилиб самарали фаолият кўрсатмоқда.

Оналар ва болалар ўлимини камайтириш, оилани режалаштириш энг муҳим масалалардан бири. Туғиш ёшидаги аёлларимизнинг кўпчилик қисми камқонлик касали билан оғриган. Шу сабабли оилаларни режалаштиришда бирмунча ютуқларга эришган бўлсакда, ҳали бу борада қиладиган ишларимиз жуда кўп. Яқинда вилоятимизда туманлараро ўтказилган «Энг ибратли келинчак» кўрик — танлови халқимизга кўтаринки руҳ бағишлади, келинларуқайноналарни тотувликка ундовчи хитобдек янградди.

Бу йилни оила йили деб эълон қилингани жамиятимизнинг аёлларга бўлган муносабатининг яна бир ёрқин намунасидир. Эндиги ҳаракатларимиз ана шу муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва мукаммаллаштиришга қаратилгани шубҳасиздир...

*Коммуна ИСМОИЛОВА,*
*Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси*

## АЁЛЛАР ЕТАКЧИ КУЧ

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги Уриксзор маҳалласида «Аёл, оила ва ҳуқуқ» мавзусига бағишлаб ўтказилган йиғилишда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолиятини жонлаштириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва оиладаги мавқеини кўтаришга оид фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Республика маънавият ва маърифат маркази бўлим мудири, истеъдодли шоира Т. СОДИҚОВА ҳамда жаҳон тиллари университети проректори Г. Боқиевларнинг чиқишлари йиғилиш иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, тумандаги 207-болалар боғчаси кичкинтойлари ижросида намойиш этилган концерт дастури тадбирга ўзгача файз киритди.

*Ўз мухбиримиз.*

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

## ХАЙРЛИ ИШНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

*Республикамизнинг равнақи, келажаги учун ҳар жиҳатдан етук баркамол, соғлом, зуваласи пишиқ авлодлар керак. Ана шундай баркамол авлод аввало оилада улғаяди, камол топади. Оилада барқарор, мустаҳкам, соғлом бўлсагина фарзандлар ҳам зукко, етук, билимли ва юртнинг ҳар бир ташвишига елка тута оладиган инсон бўлиб улғаядилар.*

*Штатсиз мухбиримизнинг Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Эшонқулова билан қилган суҳбати шу мавзуда бўлди.*

**— Турди опа, сизнингча, барқарор, мустаҳкам оила қандай бўлиши керак?**

— Мен хизмат тақозоси билан жуда кўплаб оилаларда бўламан. Уларнинг гоҳида қувончли, гоҳида ташвишли кунларига шерикман ҳам. Шундай кезларда аввало оиланинг муҳити, эр-хотиннинг бир-бирларига муносабатларини, юриш, туришларини синчковлик ва зийраклик билан кузатаман. Кейин шундай фикрга келаманки, оилада энг аввало, меҳр, оқибат, бир-бирларига бўлган муносабатлар илиқ бўлсин экан. Шарқ оилаларида азалдан аёлдан — андиша, эркаклардан — бир сўзлилик, субут, оила тебратишдаги моҳирлик талаб этилган. Рости, андаккина шу удумларимизга дарз етди. Барибир кеч эмас. Хайрли ишнинг кечи йўқ, дейишади.

Оила йили хотин-қизлар кенгашлари, қишлоқ, маҳалла фукаролар йиғинларига катта масъулият юклайди. Бир пайтлардагидай эндиликда фақат қоғозларга суяниб иш юритиб бўлмайди. Ҳозирги давр Хотин-қизлар кенгашларидан фақат зарурат туғилганда эмас, балки ҳамиша ҳар бир оиланинг муҳитидан хабардор бўлмоқликни талаб этади. Нотинч оилаларни мустаҳкамлаш борасида иш олиб бораяпмиз. Лекин бу билан қаноатланиб қолиш мумкин эмас. Дейлик, қишлоқ ёки маҳаллада бир оилага дарз кетиб турибди. Шундай пайтда албатта кенгашлардан келадиган одамларни кутиб турмасдан, ўша жойлардаги кайвонилар, кўпни кўрган қариялар, қудаларнинг йўл-йўриқлари, самимий маслаҳатларини ҳам инобатга олиш мумкин-ку. Баъзан ўша жойнинг ўзида ҳал этса бўладиган оилавий жанжалларни қўмитамизга қадар олиб келиш ҳолатлари учрайди. Бир пайтлар ўзбек хонадонларида оила сири деган муқаддас тушунча бўлган. Аввало, менинг назаримда оилавий келишмовчиликни оиланинг ўзида, албатта, отаона, қуда-андалар иштирокида оқилона ҳал этишга уриниш керак. Жуда бўлмаса, ўша жойлардаги қишлоқ фуқаролик йиғинлари, хотин-қизлар кенгашларига мурожаат қилиш мумкин.

**— Ёш оилаларни ҳаётга тайёрлаш хусусидаги фикрларингиз?**

— Эндигина оила қуриш арафасида турган ёшлар аввало ҳам руҳан, ҳам жисман соғлом бўлиб, ўзлари ҳаётда гувоҳи бўлган айрим хатоликларни такрорламасликлари керак. Ёш оилалар тўй остонасида туриб бир-бирларига қасамёд қилсалар, меҳр-оқибатни баланд тутсалар, охири бахайр бўлади.

Онахонлар, келин танлаётганда ўзимники турганда бегонани келин қиламанми қабилида иш тутмасликлари керак. Ёки қуда-андачиликда мол, дунёни ўртага қўйиб, фарзандимга шоҳона ҳаёт қуриб бераман, тарзида қадам қўйиш ярамайди.

Ёш оилани қарор топтиришдан олдин фарзандларимизнинг мустақил ҳаётга тайёргарлигига жиддий эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

*Суҳбатни*
***З. МАМАТҚУЛОВА***
*ёзиб олди*

«Оила шажараси» танловига

## ҲАМ ФАРЗ, ҲАМ ҚАРЗ

Маълумки ҳар бир оиланинг ўз тарихи бор. Буни билиб қўйиш ҳар бир киши учун ҳам фарз ҳам қарздир. Мен ҳам бунга қизиқиб, кекса отахонлардан авлодларимизни сўраб аниқладим.

1. Отам — Хайрулла Йўлдошев.
2. Бувам — Ҳамидулла Йўлдошев.
3. Оталари — Муллапўлат Йўлдошев.
4. Оталари — Йўлдошхон Наврўзбой ўғли.
5. Оталари — Наврўзбой Исоқбой ўғли.
6. Оталари — Исоқбой Шарифбой ўғли.
7. Оталари — Шарифбой.

*Музаффар ЙЎЛДОШЕВ,*
*2-ТошМИ 4-курс талабаси*

## ТОШДАН ЧЎЯН ЯСАГАНЛАР

Ўтмишдаги аждодларимизнинг ҳаёти, турмуш тарзи ва урф-одатларини ўрганиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. «Оила шажараси» танлови мени авлодларимизни ўрганишга ундади. Бобом ва отамдан сўраб билганларимни қуйидагича баён қилмоқчиман.

Биринчи бобокалонимиз Ҳайит боқи бўлган эканлар. У кишининг ўғиллари Саид боқи бўлиб, асли келиб чиқиши ўзбек миллатининг қатағон уруғидандир. Улар дастлаб Самарқандда яшаганлар. XVII асрдаги уруш ва нотинчликлар туфайли у ердан кўчиб кетишган ва Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларига келиб ўрнашганлар. Саид боқининг ўғли — Ниёз боқи. Унинг ўғли Одина боқилар XVIII асрда яшаб ўтишган. Улар анчамунча тадбиркор одам эканлар. Тоғли ҳудудда яшаганликлари боис тошларни эритиб чўян ясашган ва уни йирик савдо марказларига эга бўлган шаҳарларга олиб бориб сотганлар. Шу тариқа ҳунармандчилик касбини давом эттириб келганлар.

Одина боқининг ўғли — Кучбой, унинг ўғли Бобоёр XIX асрда яшаб ўтишган. Асосий машғулотлари чорвачилик бўлган. Чорва молларини боқиб кўчманчиликда ҳаёт кечиришган. Уларнинг охирги манзили Сурхондарёнинг Сангардак воҳасига келиб тўхтаган.

Бобоёрнинг ўғли — Ҳамдам, улар ҳам чорвачилик, боғдорчилик билан шуғулланиб, ўз ота-боболарининг машғулотларини давом эттириб келишган. Ҳамдам бобомнинг ўғли — Раҳматшо ҳожи ҳозир ҳам ҳаёт — 75 ёшдалар. У кишининг ўғиллари Нормуҳаммад — менинг отам. Бахтимизга бобом ва отамизнинг умрига умр қўшилаверсин.

*Азамат ҲАМДАМОВ,*
*Сурхондарё вилояти*

## ҲАММА БИЛИШИ ШАРТ

Етти авлодни билишжуда керакдир, дейилади пайғамбаримиз ҳадисларида. Шу боис мен ҳам сулоламиз ҳақида билганларимни ёзиб юбордим.

1. Дадам — Элмамат Бобораҳим ўғли.
2. Дадаси — Дониёр Абди ўғли.
3. Дадаси — Бобораҳмат Дониёр ўғли.
4. Дадаси — Абди Қурбонназар ўғли.
5. Дадаси — Қурбонназар Имомқул ўғли.
6. Дадаси — Имомқул Аннақул ўғли.
7. Дадаси Аннақул Абилхаир ўғли.

*А.БОБОРАҲМАТОВ,*
*Чироқчи тумани*

Турмуш сабоқлари

# ВОҚЕАНИНГ ДАВОМИ

Бундан ўн-ўн беш йиллар илгари мусибатли бир воқеа юз берди: ҳали ёши 40 га ҳам тўлмаган машҳур ёзувчи фожиали ҳалок бўлди. Бутун шаҳар аҳли мотам тутди. Марҳум учун энг эътиборли зотлар дафн этиладиган қабристондан жой ажратилди. Доду фарёд билан уни сўнгги йўлга кузатиб қўйишди. Шаҳар каттакони қабр устида оташин нутқ сўзлади. Ҳақиқатдан ҳам раҳматли ғоятда истеъдодли, ғоятда меҳнаткаш ва шу билан бирга ғоятда камсуқум, камтарин эди. «Фақир одам панада», — деганларидек, бу дунё ишқу ҳавасларидан кўра, ўз руҳий оламини афзал биладиганлардан эди, раҳматли...

Ҳеч қаерда ишламайдиган ёш бева эса уч норасида гўдаги билан икки хонали «дом»да чирқиллаб қолаверди. Айтишадики, вақт деб аталмиш олий ҳакам ҳаммага ва ҳамма нарсага бирдай ўз ҳукмини ўтказиб бораверади, тошдай совуқ ва зилзамбил қайғу-ҳасрат ҳам эскиради, унутилади, унинг ўрни янги орзу-ҳаваслар, мақсадлар билан тўлаверади.

...Кунлар, ойлар, йиллар думалаб, юмалаб ўтаркан фарзандлар билинтирмайгина бўй чўзиб қолишди. Тағин бариси ўғлон... Дўст-ёронлар ёзувчининг бевасига маслаҳат беришди: қачонгача каталакдек уйда умр кечирасиз. Раҳматли эрингизнинг обрў-эътибори ҳамон жойида — ана кўчалар, мактабу маҳаллалар унинг номига қўйилган. Қабри тепасида нутқ сўзлаган каттакон ҳам ҳали ўша курсисида ўтирибди. Бу ишни зинҳор-базинҳор пайсалга солиб ўтирмай ана ўшанга учранг, сизни яхши танийди, ёрдам бериши тайин!!!

Аёл юрагига хижиллик солган, борар йўлини тўсиб қолмоқчи бўлган ғурур отидан тушиб, амалдор ҳузурига йўл олди.

Аёлнинг ҳасрати, ўтинчига қулоқ тутаркан, амалдорнинг ранг-қути ўчиб, қош-қовоғи осилиб кетди.

— Ҳм, уй-жой масаласи денг... Ўзингиз биласиз, раҳматли эрингиз ҳамон эъзоз-у эътиборимизда. Бундан ортиқ яна нима истайсиз. Лекин ўлганлар-ку бу дунё ташвишларидан халос бўлишган. Биздан энди тириклар ҳол-аҳволини сўранг. Бошпанангиз йўқ эмас, бор экан-ку, шукур қилиб яшаб юраверинг-да, — деди у гап тамом, дегандек аёлга бақрайиб қараб.

Аёл ҳеч нарса демади, ўзининг қилган ишига пушаймон бўлиб йиғлаб кулбасига қайтди...

Энг олий ҳакам Вақт одатини канда қилмай, ҳаммага, ҳамма нарсага ўз ҳукмини ўтказиб ўтаверди — фарзандлар доно ва уддабуро кишилар бўлиб камолга етишишди. Улардан бири ҳатто шаҳар катталаридан бирига айланди. Бева аёлнинг бағрига ҳам шамол тегди...

Бир куни ҳовли дарвозаси тақиллаб қолди. Эшикни очган аёл қаршисида қариган, букчайган, оппоқ соқолли бир киши турарди.

— Мени албатта танийсиз. Ўша фалончиев бўламан, — деди овоз ҳам вужуди сингари қалтираб қолган чол. — Сиздан бир нарсанинг рухсатини сўраб келдим. Энди қаридим, нариги дунём яқинга ўхшаб қолди. Шунинг тараддуд-тадоригида юрибман. Эрингиз ётган қабр ёнидаги жойга ҳу, ўшандаёқ ишқим тушганди. Шу ердан ўзимга қабр қаздириб қўйсам кўнглим тинчирди. Бунга фақат сизнинг ризолигингиз зарур экан, холос. Эвазига сўраганингизни сўранг, тўлашга тайёрман...

Аёлнинг кўзларида ўт чақнади, юраги ўртанди, ғазабдан, нафратдан мушти беихтиёр тугилди. Лекин буларнинг ҳаммаси ўзига, соғлигига кони — зарарлигини ўйлаб ҳовуридан тушди...

— Сизни унутиб бўларканми, — деди у босиқлик билан. — Бу дунёда тириклар ташвиши бошдан ошиб ётганда ўликларга йўл бўлсин, деб мени мулзам қилган ўша — фалончиев сизда... Афсуски, бу муаммонгизни мен ҳал қилолмайман. Рухсатини тириклардан эмас ўликлардан сўранг...

Аёл келган одам юзига тарсаки тортгандек «тақ» эткизиб дарвоза эшигини ёпиб қўя қолди...

*Дилбар САИДОВА*

# БАХТИ БУТУН ҚИЗ

Илгари пайтда совчилар фақат қиз ахтариб боришган. Йигит излаш одат бўлмаган. Бугунги кунда ундай эмас. Йигит билан қиз бир-бирига кўнгил қўйганми ёки йўқми, уларнинг ўзлари ва ота-оналари совчиларни қизиқтиради. Кейин шунга қараб қуда-андачилик қилинади.

Бизнингча, қуда-андачиликда «тенг-тенги билан», деган халқ ҳикматига амал қилингани маъқул. Айтайлик, ўқитувчи, ҳунарманд, шифокор, боғбон каби оилалар кўп жиҳатдан бир-бирига тенг ва муносиб. Бу оилаларнинг қуда-андачилиги мустаҳкам бўлиши мумкин. Аммо пулдор, савдогар ёки ота-онаси амалдор оилаларга бу касбдаги кишилар муносиб эмас. Бу ҳаётда кўп синалган. Ёш оила қуришда келин-куёвнинг бир-бирига ҳар томонлама мос бўлишини инобатга олиш ҳам керак. Баъзан эса бунга эътибор берилмайди. Алпқомат йигитга бўйи-басти паст ва заифроқ қиз унаштирилади. Охир-оқибатини ҳеч ким ўйламайди. Ахир носоғлом фарзандлар туғилишига кўп жиҳатдан шу нарса сабаб бўлмаяптими?

Яна бир муаммо. Бу ҳам бўлса етим қизлар масаласидир. Сир эмаски, совчилар кўпроқ ота-онали қизни исташади. Аммо етим қизларга оғиз очишда иккиланиб қолишади, ҳайронман. Ваҳоланки, етим қизларнинг кўпи оилапарвар бўлишади, уйим-жойим дейишади. Сабаби, бошидан қийинчилик ўтган, ҳаётнинг иссиқ-совуғини тотиб кўрган. Меҳнатдан бўйин товламайди, уй-рўзғор юмушлари ва бошқа оғир-енгил ишларни бажонудил бажаради. Ҳар бир хатти-ҳаракатларида оилага қайишиш, уни асраб-авайлаш аломатлари устун туради. Шунинг учун етим қизларнинг кўнгли ярим бўлса ҳам бахти бутун бўлади.

*Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,*
*Тошкент шаҳри*



*Абдуғани Жума олган сурат-лавҳа*

# ИМОРАТЛАР ЧИРОЙЛИ ҚУРИЛСИН...

Фикр

Пойтахтимиз кейинги йилларда катта қурилиш майдонига айлангани айни ҳақиқат. Бу ерда жуда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Кўплаб иншоотлар, турар-жой бинолари қад ростламоқдаки, булар шаҳар чиройига-чирой қўшяпти. Айниқса, миллий услубда қурилаётган биноларни кўриб кўз қувонади.

Яқин кунларгача йўловчилар ҳам, ҳайдовчилар ҳам юрагини ҳовучлаб юрадиган пойтахтнинг эски шаҳар қисмидаги Қорасарой, Форобий. Сағбон кўчалари сингари ҳаракат учун тор ва ноқулай кўчалар ўрнида кенг ва равон йўллар қурилди. Бу ердаги эски уйларда яшовчи аҳолига уй-жой учун томорқа ерлар ажратиб берилди.

Яқинда шундай аҳоли кўчиб бориб яшаётган янги маҳаллада бўлганимда ҳафсалам пир бўлди. Нега дейсизми? Мана эшитинг. Биринчидан, янги маҳаллаларда қад ростлаётган иморатларнинг ташқи кўриниши кўримсиз: баланд-паст қурилган уйлар беўхшов ва хунук кўринади. Битта кўчадаги қурилган уйларнинг аҳволини қаранг! Бир уй қўшқаватли сал бўлмаса нақ кўчанинг ўртасигача «кўкрак» кериб чиққан, иккинчиси эса бир қаватли оддийгина бўлиб сал ичкарига қурилган.

Эҳтимол, булар кимнингдир назарида майда-чуйдага ўхшаб кўриниши мумкин. Лекин эътиборсизлик қилиб бўлмайди. Агар бугун лоқайд ва бепарво бўлсак, эрта ё индин янги маҳаллалар ҳам келгусида эски Сағбон, Қорасарой, Форобий кўчаси ҳолатига тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Дарвоқе, ҳар бир иншоот махсус қурилиш лойиҳаси асосида бунёд этилади.

Чунончи, ташқи қиёфаси кўркам, чиройли ва бетакрор бўлиши энг аввало унинг лойиҳасида акс этиши керак. Шу соҳага тегишли мутасадди ташкилотлар бору, аммо амалда етарли даражада фаолият кўрсатмаяпти. Қолаверса, ер соҳибининг ўзи ҳам қураётган уй-жойининг шакл-шамойилига бефарқ қарамаса, уни замонавий услубда барпо этса. Бизнингча эса аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда турар-жой берилгани маъқул, яъни кўп қаватли уй қурувчиларга алоҳида, ўртамиёна иморат тиклашга қурби етадиганларга алоҳида кўчалардан ер ажратилса мақсадга мувофиқ буларди. Шунда кўча ва маҳалланинг ташқи қиёфасидаги мафтункор ва фусункор кўриниш сақлаб қолинади.

Мустақиллик даврида одамларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Бозор иқтисодиёти тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очиб берди. Шундай экан, бугун ҳар ким ҳам замонавий уйларда яшашни истайди. Аммо бу жонажон шаҳримиз гўзаллигига соя солмаслиги керак.

*Б.ШАВКАТЛИ*

# МЕҲРИБОНЛИК

— Билмаганингизни сўраб ўрганинг, ҳатто жуда банд бўлган вақтимда ҳам тортинманг, аммо уялиб индамай кетсангиз, кечирмайман. Бу сўзлар — тажрибали муаллима Маҳбуба опа Пулатованинг шогирдларига насиҳати. Жонкуяр устоз Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 20-ўрта мактаб бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудири, «Соғлом авлод учун» ордени нишондори. Муаллиманинг ҳаракатлари боис кам таъминланган оила фарзандларидан 37 нафари юз фоиз бепул, 57 нафари эса имтиёзли озиқ-овқат билан таъминланадилар.

Ногирон болалар Акмал Ҳайдаров, Шуҳрат Қурбоновга ўз хонадонларида ўқитиш ташкил этилди. Ушбу билим даргоҳи вилоятда биринчилар қатори ЮНЕСКОга аъзо қилингани ҳам Маҳбуба опа сингари мураббийларнинг саъй ҳаракатлари туфайлидир.

*М. БЕКОВ.*

# МЕҲРИ МОМО ЎГИТЛАРИ

...1993 йил эди. Республика «Наврўз» хайрия жамғармасида 130 ёшли Меҳри момо ҳақида эшитиб, ул муборак зот хонадонларида бўлган, суҳбатларидан баҳра олгандим.

Момо жуда камтарин, вазмин, соддадил ва очиқ чеҳрали эканлар. Ўшанда ўгит ва насиҳатларини ёзиб олгандик. Мана ўшандан айримлари.

- Агар пиёла бехосдан синса, қайғурманг бу бахтдан нишонадир.
- Уйга кираётиб, остонада йиқилган кишининг оғзига мой суртилади.
- Ўрта бармоққа узук тақиш яхшилик аломати эмас.
- Сут, қатиқ солиб келтирилган идиш эгасига бўш қайтарилмайди.
- Тунда уй ичида тирноқ олинмайди.
- Яқинда кўзи ёриган аёл уйда ёлғиз қолдирилмайди.
- Уйга югуриб кириш яхшилик аломати эмас.
- Ортиб қолган овқатни тўкмоқчи ёки ит ялоғига қуймоқчи бўлсангиз, уни қозон билан тўкиш мумкин эмас. Акс ҳолда хонадоннинг ризқи кетади.
- Уй ёнида ҳакка сайраса, меҳмон келишидан дарак.
- Супургини тикка қўйиш мумкин эмас.
- Оила бошқа жойга кучиб кетаётганда супургиси қолдириб кетилади.
- Чилладаги келин-куёв тунда бемаҳал юрмасин...

*Мухтор БЕК*

## ҲАЁТ ГУЛЛАРИ

Болаларни гулларга қиёслашади. Бундай қиёслашда қувончларимиз, ҳайратларимиз акс этади. Ҳар бир бола — бу мангуликнинг таъсирчан, енгилмас куртагидир, бола-келажак билан бизни боғловчи алоқадир. Болаларга боққанимизда қувониб, завқланганимиз билан уларнинг нозик гул эканликларини унутмаслигимиз керак. Гулни шамоллардан, совуқлардан сақлаш эса биз ота-оналар, тарбиячилар зиммасига катта бир масъулият юклайди.

Бир ўқимишли, зиёли ота яхши ўқимаётган фарзандини уялтириш мақсадида уни эски кийимларда мактабга жўнатди. Бу билан у фарзандига: «Мен ишлаганим учун яхши кияман, сен яхши ўқисанг яхши киясан» — деб уқтирди.

Тўғри, ота ўз фарзандини яхши кўради, шунинг учун ҳам уни яхши ўқишини истайди. Бироқ у қўллаган тарбия услубида болага нисбатан ҳурмат кўринмайди, зотан ота ўз фарзандининг гулдан ҳам нозиклигини пайқамайди. Ҳолбуки, унинг яхши ўқимаслиги сабабини аниқламоғи керак эди.

Фарзандларимиз фақатгина тарбия объектигина бўлмай, балки ҳар бири ўз замини, ўз асосига эга бўлган ҳаёт гулларидир. Бу гулларнинг теварагида қувонч ва ташвишларга тўла, умидсизлик ва омадлардан иборат ҳаёт жўш уради.

Дарсларимнинг бирида ўртача ўқийдиган бир ўқувчи ёзма ишдан энг қуйи бални олди. Аввалига бу ҳолга унчалик эътибор бермадим. Бироқ натижалари эълон қилинганда ўқувчи кўзида ёш кўринди. Менга бу ҳол қизиқ туюлди ва уни юпатишга уриндим. У эса: «Мен ҳеч қачон яхши балл ола олмайман» — деди. «Нега?» — деб сўрасам, «мен қобилиятсизман» — деди. «Буни сенга ким айтди?» — деб сўрасам, «Онам», — деди ва бошини эгиб олди.

Маълум бўлишича, ўқувчим онасининг ўзига хос «педагогик услуби»нинг қурбони экан. Она ўз фарзандига таъсир этиш, гурурини қўзғатиш ниятида «Сен аҳмоқсан, сендан одам чиқмайди» деб унинг ўзига ишончини сўндирган.

Бу ҳолда ҳам боланинг гулдек нозиклиги унутилган. Унга қаттиқ танбеҳ, зарда эмас, балки меҳр билан суғорилган эътибор зарур. Ана шунда бу гул доим бизларни завқлантиради ва қувонтиради.

Зотан, биз бу гулларнинг чарчаб-толиқмайдиган боғбони эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

***Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ,***
***ўқитувчи***

## МАҲАЛЛАДА ШОДИЁНА

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги Ҳабибий номли маҳаллада Наврўз байрами алоҳида шодиёна билан ўтди. Маҳалланинг санъатта ҳавасманд ёшлари ижросида миллий тўй маросимидан саҳналар намойиш этилди, муҳаббат, меҳру вафо, садоқат мадҳида янграган шеъру қўшиқлар рақсларга уланди. Маҳалланинг эрка ўғлонлари — Алишер, Ахрорбек, Мирафзал, Азаматжонларнинг суннат тўйи ҳам ана шу тадбир асосида ўтказилди. Уларга ҳомий ташкилотлар томонидан 16 ёшга етгунларича қуйилган маблағи фойизма-фойиз кўпайиб борадиган имтиёзли омонат дафтарчалари ва Совғалар топширилди.

***Ўз мухбиримиздан***

*Кўнгил изҳори*

# ҲАМОН ХИЖОЛАТДАМАН...




Мен ўтган ҳаётим давомида ўзим истамаган ҳолда бир нохуш воқеада катнашганимдан ҳамон уялиб кетаман...

Ёш эдик, шўх эдик, нимандир қилмоққа жазм этсак кўп ҳам ўйланиб, андиша қилиб ўтирмасдик. «Шарттакилик», дейишади чоғи, бундайин ҳолатни. Сирдош дугонам нолиб қолди бир куни: «Дўст бўлиб ёрдам беришни ҳам истамайсан. Мен энди шундоқ бахтсиз бўлиб юраверишим керакми?» «Сенга қандай ёрдам керак экан?» — ҳайрон бўлдим мен. «Фалончи йигитни яхши биласан. Лекин унинг ота-онаси келинликка бошқа қиз излаб юришган экан, ўғилларининг фикрини инобатга ҳам олишмаётган экан. Йигит ҳам, мен ҳам нима қилишни билолмай ҳайронмиз. Энди ўртоқ бахтсизлик ботқоғидан чиқиб кетишимизга ўзинг ёрдам бермасанг бўлмайди».

Мен ўйланиб қолдим ва ботирлигим тутиб кетди. Ўша йигитнинг ота-онаси олдига тўғри кириб борсам-чи? Ахир бахт учун курашмоқ ҳам керак-ку... Ўша пайтлар ўйлаганидан қайтмайдиган, олов қиз эмасмидим — тўғри йигитнинг хонадонига кириб бордим, ота-онаси мени — танимаган, билмаган ёш қизни кўриб ажабланиб қарши олишди.

«Совчи бўлиб келдим сизларникига», — дедим мен тап тортмай... «Ие, ие қизимиз йўқ эди-ку», — дейишди улар янаям ҳайратланиб. «Йўқ, ўғлингизни дугонамга сўраб келдим», — дедим мен янада ўктамроқ товушда... «Дугонам яхши қиз, одобли, ўқимишли, тағин ёшлар бир-бирини севади, сизлар эса ана шундай улкан севгига тўғаноқ, бўлаяпсизлар»... Улар дастурхон ёзишди. Она сўз бошлади: «Аввало хафа бўлманг қизим. Сизлар ёшсизлар.

Эҳтимол шундандир — ҳаёт ҳақидаги тушунчаларимиз бир қадар фарқ қилади. У қиз ҳақидаги барча маълумотларни ўғлимиздан билиб олдик. У қиз шаҳарда ўсган. шаҳар тарбиясини олган экан. Ўғлимизга ёққан, бир-бирига кўнгил боғлаган бўлса бордир. Лекин ҳаётнинг мураккабликлари кўп. Дугонангизнинг бошқа иши, уй-хаёли йўқми — қўнғироқ қилаверади, ўғлимизни соатлаб телефонда банд қилади. Шу қиз билан танишгандан буён ўғлимизнинг институтдаги ўзлаштириши ҳам пасайиб кетди. Фикру-хаёли кўчада бўлиб қолди. Тўғри йўлини йўқотиб қўйганга ўхшайди. Ахир биз ота-онамиз, жигаргўшамизнинг бахтини истаймиз. Ундан сўнг биз Хоразмнинг узоқ қишлоғиданмиз. Қачон бўлмасин ўз юртимизга кўчиб кетамиз, ўша ёқда ер олиб уй қураяпмиз. Яккаю-ягона ўғлимиз қариганимизда ёнимизда бўлишини, суянч-устун бўлишини тилаймиз. Айтингчи, шаҳарда ўсган қиз, бекорчиликдан не қиларини билмай вақтини телефон ёнида валақлаб ўтказадиган, қай бир йигит бошу кўзини айлантириб, тағин совчисини ҳам юборадиган қиз қишлоқ шароитига кўникиб кета олармикан? Эрта саҳар туриб рўзғорини саранжомлаб, молхонасини супуриб-сидириб, сигир соғиб, ерга кетмон уриб экин-тикин қила оладими? Муҳаббат — яхши туйғу, энг олий туйғу. Лекин турмуш деганлари нафақат чиройли муҳаббат, балки машаққатли меҳнат билан қурилган ҳолдагина мазмунли бўлади. Дугонангиз шундай ҳаётга тайёрмикан?».

Мен не деб жавоб беришни билолмай лолу-ҳайрон қолгандим. Мулзам бўлиб бу хонадондан чиқиб кетдим. Мени интизорлик билан кутиб ўтирган дугонамга: «Хафа бўлма, улар сенга муносиб одамлар эмас экан. Йўқ, аччиқ бўлса ҳам айтай, тўғрироғи сен уларга лойиқ эмаскансан», — дедим. Дугонам ҳунг-ҳунг йиғлади ўшанда. Унга раҳмим ҳам келмади. Кейин йиғлагандан кўра, кейин пушаймон бўлгандан кўра ҳозир йиғлаётгани ҳам яхши эди...

Йиллар ўтди...

Вақт донишманд ҳакам, дейишади. Йигит ота-онаси билан бирга ўз юртига кўчиб кетди. «Тешик тугма ерда қолмас, ерда қолса кимлар олмас», — деганларидек кунларнинг бирида дугонам ҳам қўшни маҳалладаги бир йигитга турмушга чиқди.

Ёшликдаги енгилликлар ортда қолди — оғир-вазмин, бола-чақали аёлга айланди-қолди. У негадир ўша йигитга етишмаганидан хафа ҳам бўлмайди. Туғилиб ўсган шаҳрида, қариндош-уруғлар бағрида яшаяпти. Баъзида кўришиб қоламиз. Ўтган-кетган воқеаларни эслаймиз. Унинг ушалмаган армони — муҳаббати, менинг совчилик саргузаштларимни қайтадан ёдга оларканмиз қаҳ-қаҳ отиб куламиз ҳам. Ўшанда нақадар ғўр ва содда бўлганмиз...

***МАВЖУДА***

***Тошкент***

Бу йил Оила йили. Унинг ана шундай аталишида ҳам олам-олам маъно мужассамдир. Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайди, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, ҳақиқий инсон бўлиб етишишига тенгсиз таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Ор-номус, мардлик, ростгўйлик, ҳалоллик, шарму-ҳаё, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар, энг аввало, ана шу оилада шаклланиб боради.

Бугун мен ана шундай ажойиб кунларнинг бирида икки оила тўғрисида қисқагина тўхталиб ўтмоқчиман. Мен тилга олмоқчи бўлган ҳар иккала оила аъзолари бахтсиз тасодифлар туфайли бевақт оила бошлиқларидан жудо бўлишдек оғир мусибатни бошларидан кечирмоқдалар. Ҳар иккала оила бошлиқлари, эл-юрт осойишталиги йўлида, ўзгаларнинг бахти, тинчлиги учун ўз ҳузур ҳаловатларидан, шодликларидан, фарзандлари-ю ва яна бошқа яқинларидан кечганлар.

Қутлимурот Рўзметов, Жуманазар Ражапов. Улар Хоразм вилояти Ички Ишлар Бошқармасида оддий милиция ходимлари эдилар. Ўз бурчларига, касбларига чексиз садоқат рамзи сифатида қалб даъвати ила энг оғир вазиятларда кўксини қалқон қилиб, жонларини қурбон қилдилар.

Қутлимурот Рўзметов хизмат вазифасини адо этаётган вақтида тўрт нафар номаълум жиноятчини қўлга олишда, жиноятчилар томонидан отилган ўқдан баданининг ўн бир жойидан тан жароҳати олиб ҳаётдан кўз юмган.

Жуманазар Ражапов эса хизмат вазифасини адо этаётганида

# ҚАЧОН КЕЛАСИЗ, ДАДАЖОН!



қонхўр жиноятчининг пичоғидан бир неча жойидан тан жароҳати олиб ҳаёт билан видолашган.

Албатта милиция ходимлари олиб борган машаққатли меҳнатлар туфайли жиноятчилар ушланиб, қилмишларига яраша жазоландилар. Аммо бундан кимга наф.

Қутлимуротнинг турмуш ўртоғи Жамилахон ҳам оиласида тўрт фарзанди билан, Жуманазарнинг турмуш ўртоғи Гавҳархон ҳам тўрт нафар фарзанди билан оила бошлиғидан бевақт жудо бўлдилар.

Бизларнинг қўлимиздан нима ҳам келарди, фоний дунё деб аталмиш ҳаётнинг гоҳо аччиқ жабру-жафолари беҳисоб. Бундай пайтларда тақдирга тан бермасдан ҳеч қандай иложимиз йўқ.

Ушбу сатрларни ёзаяпман-у, ўша пайтда касалхонада оғир аҳволда тўлғаниб ётган, ҳаёт билан видолашаётган Қутлимуротнинг дардига шерик бўлган Жамилахоннинг ёки бўлмаса Жуманазарнинг сўнгги сўзларини эшитиш армонларидан бевақт жудо бўлган Гавҳархонларнинг, уларга яқин бўлганларнинг битаётган яраларини тирнаб туз-лар сепмоқчи эмасман.

Уларнинг яна бир марта оҳу-фиғонларини, дарду-ҳасратларини қайтадан ёқмоқчи эмасман. Улар мени кечирсинлар...

Она — Ватанга муҳаббат Оиладан бошланади. Оиланинг бутун масъулияти, шон-шарафи, обрў-эътибори ота билан онага боғлиқдир. Улар қанчалик маънавий пок, эътиқодли, ҳалол ва мард бўлар экан, фарзандлар ҳам худди ана шундай бўлиб ўсиб улғаядилар. Бугунги ўсиб келаётган авлод келажаги буюк бўлган Она—Ватанимизни ҳар қандай тажовузлардан омон сақлашга, шаънига доғ туширмасликка ҳаракат қиладилар.

Айни кунларда Жамилахон билан Гавҳархонлар ўз фарзандларига ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбия бермоқдалар. Ҳар икки оилани милиция полковниги Садриддин Зайниев раҳбарлик қилаётган Хоразм вилояти Ички Ишлар Бошқармаси ходимлари оила посбонларининг йўқлигини билдирмасликка ҳаракат қилиб, оталиққа олганлар. Ҳар икки оилага доимий равишда моддий ва маънавий томондан кўмаклашиб, савоб ишларини қилиб келмоқдалар.

Гавҳархон бўш пайтларида ижод ҳам қилар эканлар. Унинг қалб дафтарини варақлар экансиз, ўз хизмат вазифасини адо этиб турган пайтида фожиали ҳалок бўлган Жуманазарга қанчалик меҳру-муҳаббатини ҳис қиласиз:

*Оқибат*

***Мен сизни соғиндим,***
***соғинчим эдинг,***
***Ташна бу кўнглимга***
***севинчим эдинг.***
***Муборак сиймонгни***
***эслайман мудом,***
***Қийналган чоғимда***
***суянчим эдинг.***
***Ўнгимда келмайсан,***
***тушларимда кел,***
***Мени тарк айлаган***
***хушларимда кел,***
***Сенга атаб шеърлар***
***ёзаман жоним,***
***Олисларга учган***
***қушларимда кел.***

Икки оила тўғрисида, уларнинг дарду-ҳасратлари тўғрисида қисқагина тўхталиб ўтдим. Ҳозир ҳам ана шу оила аъзоларининг кўзлари интиқ, мурғак қалбларида юрак-бағрингизни эзиб юборадиган сўнгсиз бир нидо, ақиқ лабларда бир пичирлов: «Қачон келасиз, дадажон...»

Худди кечагина эл-юрт осойишталиги учун хизматга кетган дадажонлари шу бугун баҳорнинг майин саболаридек, очиқ чеҳралар билан хонадонга кириб келаётгандек. Бугун борлиқ уларнинг ташрифини кутаётгандек бўлаверади. Аммо улар ҳеч қачон қайтиб келмайдилар... Тилагим шуки: Оила йили деб аталмиш бу йилда, борингки, ҳеч қачон, ҳеч бир Оила оталаридан, оналаридан, жигаргўшаларидан бевақт айрилиб, зор-зор йиғламасинлар...

***Иброҳим ЮСУПОВ,***
***Урганч тумани***

Замондошларимиз

# СЕНИНГ БИР НИГОҲИНГДАН...

Ҳа, дил ёришса — олам ёришади. Шукр, дилга ёруғлик бахш эта оладиган аёллар кўп. Шулардан бири Қувада яшайди.

Мен унга «Сизни газетага ёзаман. Бир яхши суратингизни беринг» десам, майин кулади. «Суратим йўқ. Паспортдан бўлакка суратга тушмаганман», дейди. Ана холос!

Унинг кўриниши, кийиниши оддийгина, қишлоқдаги бошқа аёллардан фарқи йўқ. Лекин қуни-қўшнилар, қариндош-уруғлар «Пошшахон» дейишади. Кўрганда ўтқазгани жой тополмай қолишади. «Пошшахон, қани юқорига чиқинг, Пошшахон, қани буёққа!».. Шундай ҳурмати баланд, шундай ҳурмати баланд.

Унинг ҳужжатдаги исми-шарифи Рохилатхон Маъруфхон қизи.

Саййидлар авлодидан бўлгани учун уни алоҳида эъзозлашар? Бу ҳам тўғри! Балким, қирқ нафар қизга араб ёзувини, Қуръони Карим оятларини, ҳадисларни ўргатгани учун, яхши фарзандлар тарбиялагани учун ёки шоирнинг рафиқаси бўлгани учун иззати жойидадир. Бу ҳам тўғри! Лекин ҳурмат-эҳтиромнинг энг асосий боиси ҳали олдинда!

У ёшлигида бор-йўғи тўрт синфни битирган. Асосий сабоғни уйда аясидан ўрганган. Бўйи хиёл чўзилиб, сочи қўйлагига етганида ота-она амри билан кўчага чиқмай қўйган.

Ҳадемай Қувадаги саййидлар хонадонидан Марғилон яқинидаги Яккатут қишлоғига — Рохилатхонга совчи боради. Совчилар қизга хамир қордириб кўришади.

Тавба, ёш эканман, содда эканман, — деб эслайди Пошшахон ширин-ширин кулиб, — аям раҳматлик «она қизим, меҳмон холаларинг хамир қорганингни кўришаркан», десалар енг шимариб ун элашга, номакоб тайёрлаб, хамир қоришга киришиб кетибман, денг. Қаёқдан билай уларнинг совчилигини. Ўшанда ўн бешга ҳам тўлмаган эдим...

Ўн олти ёшида Рохилатхон Қувага — Калонхон тўра хонадонига келин бўлиб тушди. 1956 йил 21 августда тўйлари бўлди ва 1 сентябрда куёв тўра Шокирхон ўнинчи синфга ўқишга борди.

Рохилатхон тийрак, чаққон, овозлари майин-майин, фариштали келин бўлди. Қайнона-қайнота, қайин бўйинларининг хизматини ўрнига қўйди. Ҳовлилар чинни бўлиб кетди. Ошхоналар ярақлади. Ош-овқатлар лаззатли, нонлар бўрсиллоқ. Увитган қатиғи нақ пичоқ билан кесиб олгудек. Қовиган кўрпалари жоннинг роҳати.

— Барака топинг-а, Пошшахон! — қайнонаси Кимёхон ая уни дуо қиларди. — Мен сиздай келинни орзу қилувдим. Худога шукр, ниятимга етдим...

Шокирхон мактабни битириб, тиббиёт билим юртида ўқиди, қишлоқ шифохонасида ишлади. Муомаласи ширин, азамат, норғул бу йигит одамларни аввало сўзи билан даволади, табассумли кўзи билан даволади. Кеч киргач уйига, Пошшахон ёнига шошилди...

Эндигина ўттиз ёшга тўлиб, келбати келишиб, хўп етилганида, куз кунларининг бирида Шокирхон оғриб қолди. Аввал ҳассага таяниб юрди, кейин оёқлари ўзига бўйсунмади. Бу ҳол қўлларига ҳам таъсир қилди.

Калонхон тўра ўғлини кўрсатмаган жойи қолмади. Фойдаси йўқ. «Беморликнинг асосий сабаби — яқин қариндош-уруғчилик асосида қурилган оилада туғилганидир» дейишди шифокорлар.

Кимёхон ая остона ҳатлаб кўчага чиқмай қўйди. «Ўғлим юрмаган йўлларда мен қандай юрай», дерди.

Рохилатхон эса ичида куйди, эзилди. Ташида билдирмади. Руҳан тушмади. Эрига аввалгидан-да меҳрибон бўлди. Аввалгидан-да ширин сўзини, хизматини аямади. Беморлигини бирон марта юзига солмади. Буни кўрган Шокирхон дардни енгди. Китоблар ўқиди. Оғриқ хуруж қилганида ўзига маҳлиё этолган сеҳргар китоблар, ашъорлар... Инжиқлигини кўтарган, минг бир хизматига шай турган садоқатли ёр Рохилатхон...

Бу икки беминнат дўст Шокирхонни шоир қилиб юборди. Ғазаллари матбуотда чиқа бошлади. Китоблари нашр этилди.

Ҳазилкаш, сўзамол, очиқ чеҳра шоирни йўқлаб, ҳар куни ўнлаб дўстлари келишарди. Хушчақчақ суҳбатлар мушоирага уланарди. Ҳофизлар эса унга қўшиқ ёздириш учун ташриф буюришарди.

Рохилатхон ҳалигина тандирдан узилган иссиқ нони, қайноқ чойи, ярим соат ичида тайёр бўладиган лаззатли таоми билан меҳмонларни сийларди...

Шокирхон онаизорини — фарзандининг оғриқларини ўзининг оғриқлари деб билган азиз волидасини сўнгги йўлга кузатди. Одамлар тобутни кўтариб, дўстлари эса олдинда шоирни елкаларида опичлаб, қабристонга олиб бордилар. Фарзанд аччиқ кўзёшларини қўшиб, бир кафт тупроқни она қабрига ташлади.

***Маконда — ломаконсан, энди***
***қайдан излагайдурман,***
***Фироқинг кимга айтиб,***
***кимга сендан сўзлагайдурман.***

Бир куни қувалик суюкли ҳофиз шоир ҳузурига келди. «Меҳрибон онам ҳақида, барча жафокаш оналар ҳақида яхши қўшиқ айттим келади».

Шоир кечагина ёзиб, фақат Рохилатхонгагина ўқиб берган бир шеърни якандоз қутидан олиб, санъаткорга узатди.

***Сиз билан шоҳонаман, бошимда***
***тождорим онам.***
***Ёлғизим, мунисгинам, ҳамда***
***дилафгорим онам.***
***Менга тилло, менга ганжу***
***ҳам хазина на керак,***
***Ҳаммасидан юксагу қиймат,***
***номурodим, онам...***

Мана, неча йилдирки, Нуриддин Ҳайдаров бу қўшиқни алоҳида бир муҳаббат билан ёниб-ёниб куйлайди. Шокирхон Ҳокимийнинг яна ўнлаб қўшиқлари республикамиз радио-телевидениеси тўлқинларидан ҳар куни таралади.

Ижод завқи, дўстлар тафти, севимли ёр муҳаббати билан яшаган шоир 23 йил муттасил дард билан олишди. Сўнгги йилларда ҳатто у ёнбошидан бу ёнбошига ўгирилиб олишга ҳам, қалам тутишга ҳам Пошшахоннинг, фарзандларининг ёрдами керак бўлди. Ёзолмай қолганида шеърларини айтиб туриб, қизларига тунлари, саҳарлари эса Пошшахонга ёздирарди.

Аёл тун бўйи ёрининг оғриқ оёқларини уқалаб, ухламай чиққанида ҳам, кун бўйи қозон ковлашдан бўшамаса ҳам нолимади. Аксинча шукр қилди. Ҳар куни оқ ювиб, оқ тараб, табиатан озода, пок бўлган шоирга фақат дазмолланган оппоқ қўйлак, тоза дўппи кийдирди. Қордай оқ ўрин-бошларига ғубор қўндирмади. Эримнинг кўнгли ўксимасин, деб меҳмонга кўпам бормади. Ҳатто ота-онасиникида бир кеча тунаб қолмади. Доим суюкли умр йўлдоши ёнида, хизматида бўлди, ардоқлади, овутди. Кулдирди, кулди.

— Хизматларингизга рози бўлинг, Пошшахон, — дерди нуқул Шокирхон Ҳокимий, — сиздан беадад миннатдорман, розиман, илоҳим соғ бўлинг. Болаларимизнинг, набира, чевараларимизнинг роҳатини сиз кўринг!

Бир куни шоир «Рафиқам Рохилатхонга» деб рукн қўйиб, «Ҳокиму Ҳозиқим» сарлавҳали шеър ёзди ва лутфан ёрига тақдим этди. «Балиқ сув билан тирик бўлса, мен сиз билан тирикман, Рохилатхон», деди.

***Ҳокиму ҳозиқим ҳамда табибим***
***деб баён айлай —***
***Шифокорлар каби ардоқладинг***
***бу хаста жонимни***
***Сенинг бир нигоҳингдан бутун***
***олам ёришгайдур,***
***Жамолинг талъатин нури***
***ёритди ошёнимни.***

***Вужудим бирла бахшида***
***этарман неки борим бор***
***Сени шодон этишга ўйламай***
***суду зиёнимни.***
***Шакар бойлаб, такаллум***
***айласанг Шокирга лабзингдан***
***Этарсан бол каби тотли***
***менинг ҳар битта онимни.***

1992 йил 25 октябр куни қувалик шоирни 53 ёшида сўнгги йўлга кузатдилар. Шокирхон Ҳокимий жондан азиз қуваликларидан, суюкли умр йўлдоши Рохилатхондан, оталарининг минг битта хизматини югуриб адо этган ўғил-қизларидан, доимо ёнида таянч бўлган укаси Хурматиллахондан, яна юзлаб дўстларидан рози бўлиб кетди...

Эрни дуосини олган, эрни рози қилган аёл — Пошшахон, Пошшахон бўлиб, ўғли Халилуллохон, қизлари Масоатхон, Улуғазимхон ва Хоназимхонлар ардоғида, набиралари шодлигини кўриб, Шокирхон Ҳокимий қурган уйда, Шокирхон Ҳокимий номидаги кўчада яшамоқда. Шоирнинг оиласида чироқ ёниқ, ашъорлари қўлма-қўл, хонадони обод ва гавжум. Чунки оила бекаси Пошшахон бор, фарзандлари бор.

*Санъат МАҲМУДОВА*

## ТАИЛАНДЛИК МАШҲУР ТАДБИРКОР

Таиландга йўлингиз тушиб, «комфорт» меҳмонхонани кўнглингиз тусаб қолса, овора бўлишга ҳожат йўқ. Меҳмонхоналар соҳибаси Чанат Пияоюнинг номини тилга олишнинг ўзи кифоя. Сизни ўйлаганингиздан-да зиёд қулайликларга ғарқ этишади. Ҳа, мамлакатда машҳур Дусит Тхани номли меҳмонхоналар бирлашмасининг асосчиси бўлган бу тадбиркор аёлни етти ёшдан етмиш ёшгача яхши билишади.

Чанат хоним «аёл киши бизнес оламида унчалик муҳим рол ўйнай олмайди», деган тор қарашларга зарба берганлардан. Қолаверса, у ўзини ашаддий феминист, яъни аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши учун курашувчи ҳисоблайди. Қаерда бўлмасин, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларни ижтимоий ҳаётнинг олдинги марраларида юришга ундайди.

Чанат етакчилик қилаётган меҳмонхоналар бирлашмаси тизими халқаро майдонда ҳам нуфузга эга. Мазкур бирлашманинг йиллик пул обороти 40 миллион долларни ташкил этади.

Иккинчи жаҳон уруши тугагач Чанат АҚШ га саёҳат қилади. Ишбилармонлик, тадбиркорликнинг янгича йўналишларини кўрган бу аёлни бизнес олами беихтиёр ўзига тортади. Натижада Чанат 1970 йилда Таиландда биринчи бор кўп қаватли меҳмонхонани ишга туширишга муваффақ бўлади. 21 қават баландликка ва 503 та хонага эга бу улкан иншоот таиландликларни лол қолдирди. Негаки, бу пайтгача Таиланддаги энг машҳур меҳмонхона бор-йўғи 7 қаватдан иборат эди.

Жами 30 та катта, кичик меҳмонхоналар соҳибаси айни пайтда 77 ёшда. Кексайган бўлишига қарамай, доимо янги-янги режалар устида бош қотиради. Ҳозирда эса Чанат хоним Индонезия ва Испания билан ҳамкорликда катта бир лойиҳа борасида иш юритаётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Чанат Пияою нафақат шинам меҳмонхоналарнинг кўпайишида, балки ватанида сайёҳлик соҳасининг шаклланишида ҳам улкан улуш қўшиб келмоқда. У бераётган кредитлар Таиланд сайёҳлигининг жаҳон майдонида юқори ўринларга кўтарилишида муҳим омил бўлмоқда.

***Матбуот материаллари асосида***
***Алижон САФАРОВ тайёрлади***



*Келинчаклар, қадамингиз қутлуғ келсин.*
*А.ХЎЖАМБЕРДИЕВ сурати.*

## ЖАҲОН АЙВОНИДА

**Яқинда Исроилда ўтказилган махсус ижтимоий тадқиқот-сўровлар ғаройиб натижаларни берди. Натижаларнинг ғаройиблиги асосан тадқиқот-сўровни ташкил этган мутахассислар танлаган саволига боғлиқ бўлди. Тадқиқотчиларнинг: сиз мансаб пиллапояларидан муваффақият билан юқорилаб боришни яхши кўрасизми ёки муваффақиятли секснними, деган саволга аёллар ва эркакларнинг 84 фоизи ҳаммасидан кўра мириқиб ухлаб олишни яхши кўришини маълум қилган.**

* * *

Мисрлик Фади Абдулло касби қассоб бўлса-да, умрида бундай мўъжизага дуч келаман, деб ўйламаганди. У Қурбон ҳайити муносабати билан тонгда туриб, қурбонлик учун қўй сўйишни ният қилди. Бироқ оёғи остидаги қўйнинг бўғзига пичоқ тортишга улгурмади... чунки у бўғизламоқчи бўлган қўйнинг бошида одатдагидай иккита эмас, нақд бешта шохи бор. Қассоб бундай мўъжизани сўйиб юборишдан кўра, шов-шув қилиб мўмайгина пул ишлаш мумкин деган ўйга борди. Ҳақиқатан у адашмаган экан, бир неча соат ичида беш шохли қўйнинг дарагини эшитган теле ва фотомухбирлар унинг уйига бостириб кела бошлашди.

* * *

**Туркиялик врачларнинг тасдиқлашича, турпнинг хосияти жуда бисёр экан. Ҳар куни истеъмол қилиб турилганда турп киши организмининг касалликларга қаршилик кўрсатувчи қувватини оширар экан. Айни пайтда организмда холестерин таркибини камайтириб, юрак хасталигини, қанд диабетини даволаркан. Туркиялик шифокорлар турпнинг буйракдаги микробларни йўқотиши, сийдик йўлларини тозалаши, тиш милкларини мустаҳкамлашини ҳам тасдиқлашган. Уларнинг маслаҳатига кўра, турпни истаганча, хоҳлаган тарзда истеъмол қилавериш мумкин. Бир сўз билан айтганда, турп бу шунчаки сабзавот эмас, балки бутун бир дорихона экан.**

* * *

«Труд» газетасининг ёзишича, яқинда Қозоғистон хавфсизлик хизмати ходимлари аёллар билан савдо қиладиган махфий «савдо уялари»ни фош этишга муваффақ бўлишган. Ҳозирги пайтда, деб ёзади газета, Қозоғистонда фоҳишалик авж олиб кетган. «Даромад манбаи»нинг жуда шаклланган бу тармоғи бир йил олдин йўлга қўйилган экан. Ҳар хил туристик фирмалар аралашган бу йўл орқали йил давомида қозоғистонлик «аёлфурушлар» Бирлашган Араб Амирликларига «тирик товарлар» етказиб бериб туришган. БААда 31 ёшгача бўлган чет эллик аёлларнинг келиши ман этилиб, бундан юқори ёшдаги аёлларга фақат эрлари билан келишларига рухсат берилгач, «савдогарлар» аэропорт ходимлари ҳамда чегарачиларни қўлга олишга муваффақ бўлишган. Бундай имкониятдан фойдаланган фоҳишалар БААга қилган бир марталик сафари чоғида 2 мингдан 5 мингтача доллар даромад қилишган.

* * *

Уй-жой масаласи дунёнинг ҳамма мамлакатларида муаммо, Муаммолиги шундаки, уй сотиб оламан деган одамдан айниқса, тараққий этган мамлакатларда ҳазилакам пул талаб этилмайди. Масалан, Манакода, 1 кв. метр уй-жой нархи 15 минг АҚШ доллари туради. Япония пойтахти Токиода — 12 минг доллар, Парижда — 3,5 минг доллар. Нисбатан арзон, деб ҳисобланган Нью-Йорк шаҳрида эса 1 кв. метр уй-жой 1200—1700 доллар туради.

## НЕВАРАМ СЕВИНЧБОНУГА



*Тўнғичимнинг тўнғич Севинчи,*
*Юрагимнинг нозик торисан.*
*Икки уйнинг арзандаси-ю,*
*Икки уйнинг номус, орисан!..*
*Севинч!!!*

*Севинчларим аршига чиқди,*
*Сен дунёга келгач Севинчим.*
*Умидларим қайта ниш урди,*
*Кўкардилар, орзу, илинжим.*

*Ўригимнинг мағзисан ширин,*
*Шеърларимнинг янги илҳоми,*
*Сендан топдим яшашнинг сирин,*
*Лим-лим тўлди қувончим жоми.*

*Икки уйнинг севинчи бўлгин,*
*Овунчи бўл икки гўшанинг.*
*Қайғу кўрма, бир умр кулгин,*
*Мен ташнаси ахир ўшанинг...*

*Онанг сирдош таянчи бўлса,*
*Сен давоми орзуларимнинг.*
*Қачонлардир қаламим тинса,*
*Сен давоми кулгуларимнинг.*

*Севинчларим аршига чиқди,*
*Сен дунёга келганда Севинч.*
*Ўкинчларни бутунлай ёқдим,*
*Ўз-ўзини ўлдирди ўкинч...*

## ОНАЖОНИМ, ДАРДЛИ ДОСТОНИМ...

*Онажоним, бағри осмоним,*
*Онажоним, меҳри уммоним.*
*Онажоним, жонга дармоним,*
*Онажоним, мангу армоним.*

*Бўйим ўсди, кўрмадинг онам,*
*Уйим ўсди кўрмадинг онам.*
*Фарзандларинг ўсмоқда сенсиз,*
*Ардоғида юрмадинг онам.*
*Онажоним, мангу армоним,*
*Онажоним, дардли достоним.*

*Уйларимда чизарман расминг,*
*Куйларимни безайди исминг.*
*Қодир Оллоҳ нусха кўчирган —*
*Кўзларимда ҳуснинг-у жисминг...*
*Онажоним, бағри осмоним,*
*Онажоним, мангу армоним.*

*Тўйлар қилсам ўрнинг бўш, онам,*
*Уйлар тўлар, кўнглим бўш онам.*
*Кўргим келса тугар бардошим,*
*Сенга кетар ақлу хуш Онам.*
*Онажоним, меҳри уммоним,*
*Онажоним, дардли достоним...*

**Бибисора ТУРОБОВА**

«Оила» достонидан



## АЁЛ

*Яхши хотин эрни қилур эр,*
*Ёмони-чи — қаро ер.*
*Яхши хотин сени билур шер,*
*Ўзни эса соя дер.*

*Ёмонидан асрасин худо,*
*Бир дўзаххим-ютади.*
*Бор-йўғингдан этади жудо,*
*Дўқ қилиб, қўрқитади.*

*Яхшиси бахтингга қўшар бахт,*
*Нуқсинг бўлса-тузатар.*
*Кулсанг-кулар, йиғласанг-бебахт,*
*Йўлга маъюс кузатар...*

*Яхшисига боринг бағишдир,*
*Бор яхшилик унданда.*
*Неки омад сенга тегишли,*
*Сабабчиси шунданда.*

*Бундайларни кўтаргил бошга,*
*Паноҳим де оламда.*
*Ташламайин ҳижрон-оташга,*
*Асра ғафлат, аламдан.*

*Ерим, ўзинг бахтим, баҳорим,*
*Сенга олқиш, тасанно.*
*Сен борсанки-қаторда норим,*
*Сенда илоҳий маъно!*

*Эр-эр эмас гар бўлса латта,*
*Хотинига гар бўлса қарам.*
*Менсимасдан қўяр албатта,*
*Қолгани ҳам, тобелари ҳам.*

***Ўлмас МУҲИДДИН***

# ФАРЗАНДИНГИЗГА ЭРТАК АЙТАСИЗМИ?

*«Бир бор экан»...*

*Дунёда энг биринчи эртакни ким айтган?*

*Дунёда энг биринчи эртакни қайси бола тинглаган?..*

*Эртак тингламаган фарзанд «У ёмон, бу яхши» деб ҳаёт сўқмоқларидаги ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг фарқига етадими?*

*Суҳбатимизнинг жавобларидан бизларни қанчалик овутмоқчи эканликларини англаш қийин эмас?*

**Жўра МАҲМУД, ёзувчи:**

— Эртак тинглаб икки ўғлим катта бўлган. Ҳозир 4 ёшли набирам Кумушойга ҳар куни эртак тўқийман.

**Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ, драматург:**

— Кўпроқ оналари Роҳилахон сўзлаб беради. Умуман олганда менда вақт масаласи кам, вақтни қизғанаман.

**Рўзимурод ШУКУРОВ, Ғузор тумани:**

— Ҳа, ота-онамдан эшитган эртакларимни айтаман. Эртак тўқишни билмайман.

**Дурдона АЛИМҚУЛОВА, Тошкент, уй бекаси:**

— Ҳа, эртак айтаман. Айниқса, икки қизимдан — Дилноза эртак тинглашни канда қилмайди.

**Орзиқул МАЪМУРОВ, журналист:**

— Умр ўтган сари болалигингни қўмсар экансан. Ҳаёт оқимида «яхши ёмон» ҳам бўладими деб сесканиб кетардим бувижоним эртак айтганда. Мактаб, яслида таълим олганимда ижобий салбий қаҳрамон фарқини англардим.

Вояга етганда буни ҳис қиляпман. Ҳа, бола қалбига эртак зарур: «у яхши, бу ёмон» одат, ахлоқ, одоб тушунчаларини сингдириб бориш зарур деб ўйлайман.

*Б. МУХТОРОВ*

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Муассисларимиз:
Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар қўмитаси,
Болалар жамғармаси ва
«Соғлом авлод учун» Халқаро
хайрия жамғармаси

Телефонлар:
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташкилотлар учун 177
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 011151
29711 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Навбатчи Раҳмон ҚОДИР

Шиоримиз:
Оила - жамият фахри

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти -20.00
Босишга топширилди - 19.30